

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСКАРОВА ЗЕБО ЗАФАРЖОНОВНА

**ПЕРИМЕНОПАУЗА ДАВРИДА КЎКРАК БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЭНДО- ВА МИОМЕТРИЙЛАРНИНГ
ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА
ДАВОЛАШНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 618.145+618.141+618.19-006.55+616-08-035

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Аскарова Зебо Зафаржоновна

Перименопауза даврида кўкрак беги касалликлари бўлган беморларда
эндо - ва миометрийларнинг гиперпластик жараёнларини башорат
қилиш ва даволашнинг молекуляр-генетик жиҳатлари..... 3

Аскарова Зебо Зафаржоновна

Молекулярно-генетические аспекты прогнозирования и лечения
гиперпластических процессов эндо-и миометрия у пациенток с
доброкачественными заболеваниями молочных желёз в перименопаузе 27

Askarova Zebo Zafarjonovna

Molecular genetic aspects of prediction and treatment of endo- and
myometrial hyperplastic processes in patients with benign breast diseases in
perimenopause 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 56

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АСКАРОВА ЗЕБО ЗАФАРЖОНОВНА

**ПЕРИМЕНОПАУЗА ДАВРИДА КЎКРАК БЕЗИ КАСАЛЛИКЛАРИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ЭНДО- ВА МИОМЕТРИЙЛАРНИНГ
ГИПЕРПЛАСТИК ЖАРАЁНЛАРИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ ВА
ДАВОЛАШНИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01–Акушерлик ва гинекология

**Тиббиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DcS) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.DScTib886 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Алиева Дильфуза Абдуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўқсанова Дилбар Исмаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ешимбетова Гулсара Закировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қаюмова Дилрабо Толмасовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

И.М.Сеченов номидаги биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувоний кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Гиждувоний кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилган.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т.Ходжиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, бутун дунёда сўнгги йилларда гинекологик патологияси бўлган аёлларда кўкрак безларининг яхши сифатли дисплазияси (КБЯСД) ҳолатлари кўпайганлиги эътиборни тортмоқда. Маълумки, бу патология турли ёшдаги ҳар 4-5-аёлда ташхисланмоқда. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, бачадондаги гиперпластик жараёнлар (БГПЖ) аёлларда 20-30 ёшда, баъзан эса ундан ҳам эрта ёшда аниқланиши мумкин. Бироқ, 40 ёшдан кейин БГПЖ нинг ривожланиш хавфи 76-80% гача ошади ва касаллик перименопаузал аёлларда кенг тарқалган патология бўлиб қолмоқда. Халқаро акушерлар ва гинекологлар федерацияси (FIGO) маълумотларига кўра, “..бачадоннинг гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларнинг 70% ида у перименопаузал даврда содир бўлади”¹. Бугунги кунда перименопауза даврида бачадон ва кўкрак безларининг гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларда ген полиморфизмини ўрганиш, ушбу патологияга эга бўлган аёлларни олиб бориш алгоритмини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга.

Жаҳонда перименопауза даврида бачадоннинг гиперпластик жараёнлари ривожланишининг олдини олиш, эрта ташхис қўйиш, даволашни оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Бачадоннинг гиперпластик жараёнлари ривожланишининг клиник хавф омилларини аниқлаш ва кўкрак безларининг яхши сифатли касалликларини ушбу патология билан биргаликда келиши, бачадонда ва кўкрак безида гиперпластик жараёнлар ривожланишини башорат қилишда генлар полиморфизмининг аҳамиятини ўрганиш, ушбу патологияга эга бўлган аёлларни олиб бориш алгоритмини тузиш мутахассислар олдидаги долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасида перименопауза давридаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш ва кўламни сезиларли даражада кенгайтириш, хусусан, бачадон ва кўкрак безлари касалликлари бўлган аёлларга ташхис қўйиш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан “...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оналар ва болаларга юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни кенгайтириш, уларга малакали ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш ва шу орқали болалар касалланиши ва ўлимни камайтириш”² Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланади. Шунга мувофиқ, генетик детерминантларни аниқлаш орқали перименопауза даврида

¹С.О.Дубровина, Л.В. Киревнина, М.Н. Лесной. Аномальное маточное кровотечение: причины, диагностика и лечение. Акушерство и Гинекология №1, 2021, С. 170-177

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

бачадонва кўкрак безларининг гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларни олиб боришни оптималлаштириш тадқиқотнинг долзарб йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон, 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5590-сон фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5199-сон, 2024 йил 22 ноябрдаги “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-402-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4891-сон қарорлари ҳамда мазкур соҳага доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи. Халқаро адабиётлар натижалари шуни кўрсатадики, бачадон гиперпластик жараёнларининг тарқалиши бутун дунёда тахминан 5-6% ни, шу билан бирга, АКШда – 10%, Англияда – 6%, Францияда – 6%, Германияда – 7%, Венгрияда – 7%, Норвегияда – 5% Россияда – 5%, Африкада 16% ни ташкил қилади.

Касаллик ривожланишининг патогенетик, молекуляр- генетик ва клиник хусусиятларини баҳолаш, профилактика ҳамда даволашни оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан: University of Cincinnati Medical Center (АКШ), Copenhagen Center for Research, Charite University (Германия), University of Alberta (Канада), Cairo University (Миср), University of Oxford, University of Leeds (Буюк Британия), Queensland University of Technology (Австралия), University Medical Center, Université de Versailles (Франция), University of Padua, University of Modena & RE (Италия), La Paz University Hospital (Испания), Universidade Nova de Lisboa (Португалия), University Hospitals Leuven (Белгия), University of Amsterdam (Нидерландия), University of Thessaly (Греция), University Faculty of Medicine (Туркия), Anhui Medical University (Хитой), Сеченев университети (Россия), Самарқанд давлат тиббиёт университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида: БГПЖ ривожланишининг патогенетик механизмлари, гиперпластик жараёнлар ривожланишининг молекуляр-генетик жиҳатлари ва аденоматозли эндометрий гиперплазияси ва эндометрий саратони ривожланишининг

олдини олиш принциплари ўрганилди. Сўнгги йилларда гинекологик патологияси бўлган беморларда кўкрак безларининг яхши сифатли дисплазиясини аниқлаш ҳолатлари кўпайиб бораётганига эътибор қаратилмоқда. Бачадон ва кўкрак безларининг гиперпластик жараёнлари ўртасидаги патогенетик боғлиқлик Ю.В.Гарифуллова, Л.И. Мальцеваларнинг (2018) тадқиқотларида тасвирланган. Ҳозирги вақтда кўпгина тадқиқотлар ёмон сифатли касалликларнинг ривожланишининг генетик хавфини баҳолашга қаратилган бўлиб, репродуктив тизимнинг пролифератив касалликларининг генетик жиҳатлари тўғрисида маълумотлар кам. Шу сабабли, гиперплазия шаклланишининг молекуляр-генетик жиҳатдан башоратлашга, унинг ривожланиши, такрорланиши ва малигнизациясини башорат қилиш учун интеграциялашган ёндашувларни яратишга бағишланган тадқиқотлар доирасини чуқурлаштириш ва кенгайтириш зарурати долзарб муаммо ҳисобланади. Детоксикация ва ксенобиотик генлар, хусусан, CYP1A1 ва GSTP1 полиморфизмининг бачадон ва кўкрак безларида гиперпластик жараёнлар ривожланиши хавфидаги аҳамияти М.В. Панышина ва К.А. Хадарцева (2018) томонидан ўрганилган.

Жаҳонда БГПЖ ва КБЯСД ни эрта аниқлаш ва профилактикаси бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. ЖССТ муайян мамлакатлар ва минтақаларда БГПЖнинг тарқалишига оид маълумотлар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган таҳлиллар йиғишни тарғиб этган ҳолда тегишли манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатларни амалага оширмоқда. Америка акушер ва гинекологлари коллегияси морфометрик параметрларга асосланган ЭИН таснифини клиник қўллашни кўпроқ объективроқ деб тавсия этади. 2014 йилдан бери ЭИН (эндометрийнинг интраэпителиал неоплазияси) атамаси ЖССТ таснифлаш тизимида киритилган бўлиб, уни АЭГ (аденоматозли эндометрий гиперплазияси) атамаси билан биргаликда битта гистологик код билан қўллашни тавсия қилади. ЖССТ/ЮНИСЕФнинг эндометрий ва кўкрак саратони бўйича глобал ташаббуси ҳар йили бачадон ва кўкрак саратонидан глобал ўлимни 2,5 фоизга камайтиришга ва шу орқали 2020-2040 йиллар оралиғида кўкрак безлари саратонидан дунё бўйлаб 2,5 миллион ўлимнинг олдини олишга қаратилган. Кўп йиллар давомида Халқаро акушер-гинекологлар федерацияси (FIGO) БГПЖ ва КБЯСД муаммолари билан шуғулланадиган ишчи гуруҳга эга. Бачадон гиперпластик жараёнларини ва кўкрак безлари касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишдаги бирламчи тиббий ёрдам оила шифокорларининг вазифаси ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Репродуктив тизим органларининг пролифератив касалликлари ривожланишининг патогенетик механизмлари ноаниқ: ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, гиперпластик жараёнларнинг ривожланишида етакчи роль эстрогенларнинг мутлоқ ёки нисбий концентрациясининг ортиши билан боғлиқ - гиперэстрогения, эстроген гидроксиметаболитларининг номуносивблиги билан боғланган эди, аммо айни пайтда нормал, икки фазали ҳайз даври ва гормонлар нисбати нормада бўлган аёлларда бачадон ва кўкрак безларининг гиперпластик касалликлари аниқланган (Bland. K.I 2018).

Сўнги йилларда ксенобиотик биотрансформация генларининг (CYP1A1, GSTP1) функционал жиҳатдан паст аллелларига эга бўлган шахслар зарарли омиллар таъсирига нисбатан сезгир бўлиши мумкинлиги исботланган. Натижада, эндометрий ва кўкрак безларининг гиперпластик касалликларининг маркерлари сифатида ксенобиотик детоксификациянинг I ва II фазалари ферментлари учун генларнинг полиморфизмини баҳолаш тавсия этилади (Чернуха, Г.Е., Иванов И.А., Думановская М.Р. Г.Е Заварыкина Т.М.2020). Ушбу кўп омилли касалликларнинг патогенези жиҳатларини аниқлашда эстроген гидроксиметаболитлари ва экзоген агентларнинг аҳамияти ҳозирда ўрганилмоқда (Сандакова Е.А., Жуковская И.Г. 2021).

Мамлакатимизда бачадонининг гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларни ташхислаш ва даволашга бағишланган илмий ишлар мавжуд (Назирова З.М., Асранкулова Д.Б. 2023). Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда БГПЖ ва КБЯСД профилактикаси, даволаш ва диагностика тактикаси замонавий гинекология ва маммологиянинг долзарб ва ҳал қилинмаган муаммоларидан биридир (Юлдашева Д. Ю., Каримов Х. Я., Бобоев А. Т., Комилова И. А., Садиқова Д. Р.2015). Касаллик қайталанишининг сезиларли фоизи, клиник ва морфо- генетик тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда оптимал даволаш усулини танламаслик ушбу йўналишдаги кейинги тадқиқотларнинг долзарблигини кўрсатади. Юқорида айтилганлар ушбу кўшма патологияни прогноз қилиш, ташхислаш ва даволаш учун оптимал ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда гинекологик амалиётга жорий этиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 01980006703-сонли “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усуллари ишлаб чиқиш” (2019-2024) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади перименопаузал ёшда бачадон ва кўкрак безларининг комбинацияланган гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларни олиб бориш бўйича даволаш ва профилактика чоралари режасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

прогностик коэффициентни ҳисобга олган ҳолда, перименопауза давридаги аёлларда бачадон ва сут безларида гиперпластик жараёнлар пайдо бўлишининг клиник ва анамнестик хавф омилларини ўрганиш;

эндо- ва / ёки миометрийнинг гиперпластик жараёнлари даражаси ва турига қараб, перименопауза давридаги аёлларда кўкрак безларининг яхши сифатли дисплазия турларининг частотасини аниқлаш;

перименопауза давридаги аёлларда бачадон ва сут безларининг гиперпластик жараёнлари ўртасидаги патогенетик ва генетик боғлиқликни аниқлаш;

детоксификация гени GSTP1 ҳамда ITGB3 генининг аллел ва генотипик полиморфизмини аниқлаш частотасига асосланиб, эндомиометрий ва кўкрак

безининг гиперпластик касалликлари ривожланишида генетик детерминантларнинг аҳамиятини аниқлаш;

бачадондан қон кетиши билан хасталанган беморларда ITGB3 генининг генотипик полиморфизмининг аҳамиятини аниқлаш ва баҳолаш;

кенг қамровли текширувларни ҳисобга олган ҳолда, эндо-ва\ёки миометрий ва сут безларининг гиперпластик жараёнлари бўлган перименопаузал даврдаги аёлларни даволаш режасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти.Тадқиқот 310 та перименопаузал даврдаги аёлларда ўтказилди. Текширувдаги аёллар учта гуруҳга ажратилган ва СамДТУ кўп тармоқли клиникасининг гинекология бўлимида 2022-2024 йиллар оралиғида текширувдан ўтказилган ва даволанган.

Тадқиқотнинг предметини веноз қон, генетик тадқиқотлар учун қон зардоби, эндометрий қириндиси ва гистологик текшириш учун олинган тўқималар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: клиник, инструментал (ультратовуш), гистероскопия, бачадон бўшлиғини қириш ва кейинги гистологик текшириш, лаборатор, умумий клиник, ПЦР диагностикаси, GSTP1 ва ITGB3 генлари ген полиморфизмини аниқлаш, статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

касалликнинг прогнози ва унинг кўкрак безлари яхши сифатли дисплазия билан комбинациясини баҳолаш ва онкологик хушёрлик нуқтаи назаридан баҳолаш GSTP1 генидаги ноқулай Val аллели ва Val/ Val генотипини перименопаузадаги бўлган аёлларда аниқлаш орқали амалга оширилган;

ITGB3 гени T/C полиморф локусининг ноқулай генотипик вариантлари бачадон ва сут безларида гиперпластик жараёнларнинг ривожланишига таъсир қилмаслиги ва шунга мос равишда бу полиморфизм шаклланиши билан бачадон гиперпластик жараёнлари ва кўкрак безлари яхши сифатли дисплазияси мустақил боғлиқ эмаслиги аниқланди, аммо ушбу генотипни ташувчанлик бачадондан қайталанувчи қон кетишлар ҳақида прогностик омил эканлиги исботланган;

GSTP1 генининг Ala/Val полиморф локусининг ноқулай генотипик вариантлари бачадон ва кўкрак безларида гиперпластик жараёнларнинг ривожланишига таъсир қилмаслиги ва шунга мос равишда бу полиморфизмнинг пайдо бўлиши бачадон гиперпластик жараёнлари ва кўкрак безлари яхши сифатли дисплазияси билан мустақил боғлиқ эмаслиги аниқланган;

беморларнинг I ва II гуруҳлари ўртасида GSTP1 (Ile/Val) генида rs1138272 полиморфизмнинг аллель частоталари ва генотиплари тақсимоотидаги фарқларни таҳлил қилишда ҳеч қандай фарқ кўрсатилмаган, бу бачадон ва кўкрак безлари гиперпластик жараёнлар ўртасидаги генетик боғлиқлик кўрсатилган;

перименопауза даврида БГПЖ ва КБЯСД бўлган аёлларда GSTP1 ва ITGB3 генларида нокулай аллеллар ва генотипларни аниқлаш қайталанишлар ва онкологик хушёрлик нуқтаи назаридан касалликнинг прогнозини баҳолаш амалга оширилди, шуни ҳисобга олган ҳолда, перименопауза даврида ушбу комбинацияланган патологияси бўлган аёлларни олиб бориш мезони ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

перименопауза даврида бачадон ва кўкрак безларида гиперпластик жараёнлар ривожланишининг энг муҳим клиник хавф омиллари: ортиқча тана вазни, қалқонсимон без касалликлари, қандли диабет, эрта бошланган ҳайз кўриш, яқин қариндошлардаги саратон касаллиги, анамнезида кўкрак безларининг яхши сифатли касалликлари, туғруқдан кейинги лактация муддати 1 йилдан ортиқлиги, тухумдон кисталари эканлиги аниқланган;

мастопатиянинг диффуз шакллари сезиларли даражада кўпроқ бачадон миомаси билан бирга келади ($r = 0,6$), кўкрак беzi кисталари ва кистали мастопатиялар сезиларли даражада кўпроқ аденомиоз билан бирга келади ($r = 0,51$);

ITGB3 генининг полиморф локуси T/C нинг нокулай генотипик вариантлари бачадон ва кўкрак безларида гиперпластик жараёнларнинг ривожланишига таъсир қилмайди ва шунга мос равишда, бу полиморфизм БГПЖ ва КБЯСД шаклланиши билан мустақил боғлиқ эмас;

GSTP1 генининг полиморф локуси Ala/Val нинг нокулай генотипик вариантлари бачадон ва кўкрак безларида гиперпластик жараёнларнинг ривожланишига таъсир қилмайди ва шунга мос равишда, бу полиморфизм БГПЖ ва КБЯСД шаклланиши билан мустақил равишда боғлиқ эмас;

Val аллели ва Ile/Val генотипи GSTP1 локусунинг мумкин бўлган аллел ва генотипик вариантлари орасида ўрганилаётган гуруҳларда бачадон гиперпластик жараёнлари ва яхши сифатли сут безлари дисплазияси ривожланиш хавфини аниқлаш учун энг катта ишончлилиқка эга.

GSTP1 генининг Ile/Val генотипик вариантыга эга бўлиш бачадон эндова \ёки миометрий гиперпластик жараёнлари билан хасталанган беморлар гуруҳида 4,2 баробар сезиларли даражада ошади, айниқса, ушбу патология ва кўкрак безлари яхши сифатли дисплазияси билан бирга келишида 5,8 марта ошади;

беморларнинг асосий ва солиштирма гуруҳлари ўртасида GSTP1 генида (Ile/Val) rs1138272 полиморфизмининг аллел ва генотипларини тақсимлашдаги фарқларни таҳлил қилиш ҳеч қандай фарқни кўрсатмади, бу бачадон ва кўкрак безларининг гиперпластик жараёнлари ўртасидаги генетик боғлиқликни кўрсатади;

бачадонда гиперпластик жараёнлари бўлган, бачадондан аномал қон кетиш шикоятлари билан муружаат қилган беморлар текширилганда, ITGB3 генидаги T\C гетерозигота генотипи қон кетиши билан хасталанган беморларда 2 баробар кўп учраган, ушбу генотипик локузда T\C генотипни ташиш БГПЖ билан хасталанган беморларда қон кетиш ва қон кетиш рецидивлари учраш хавфини кўрсатади;

ўрганилган клиник, морфологик ва генетик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, перименопауза даврида бачадон ва кўкрак безларининг гиперпластик жараёнлари бўлган беморларни олиб бориш учун ишлаб чиқилган мезонларидан фойдаланиш бачадон шиллик қавати эндо- ва / ёки миометрийнинг трансформацияси ва уларнинг перименопаузада яхши сифатли кўкрак безлари дисплазияси билан комбинацияси ривожланишининг олдини олишга қаратилган табақалаштирилган бошқарув тактикасини танлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий, бир - бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилгани, шунингдек, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларга мувофиқлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, илмий натижалар перименопауза даврида БГПЖ ва КБЯСД ривожланиши учун хавф омилларини текшириш бўйича қўшимча маълумотларни тақдим этишга имкон берди. Ишнинг баъзи натижалари перименопауза даврида БГПЖ ва КБЯСД билан касалланган аёлларнинг патогенези, клиник кўриниши, диагностикаси ва даволаш усулларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Натижаларнинг амалий аҳамияти ушбу натижалар бачадон ва сут безларининг гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларни олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм генетик текширувларни ҳисобга олган ҳолда нафақат асосий патологияни оптимал олиб бориш ва даволаш имконини беради, балки қайталаниш ва неоплазия ривожланишининг олдини олиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, иқтисодий харажатларни камайтириш учун энг самарали усулни танлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Перименопауза даврида БГПЖ ва КБЯСД ривожланиши учун хавф омилларини текшириш бўйича қўшимча маълумотларни тақдим этишга имкон берувчи ва даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган, “Ведение и ранняя диагностика гиперпластических процессов матки и молочных желёз в период перименопаузы” услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарканд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29 майдаги 10- сон Илмий кенгаш қарори). Тадқиқот натижаси эндо- ва/ёки миометрийнинг гиперпластик жараёнларини ривожланиш хавфини эрта ташхислаш, шунингдек, мумкин бўлган қайталаниш ва ёмон сифатли ўсмаларнинг олдини олишга имкон берган;

Бачадоннинг гиперпластик жараёнлари бўлган беморларда касаллик кечишини башоратлаш ва олиб бориш, ушбу патологиянинг кўкрак безлари касалликлари билан бирга келганида генетик текширув усулларидан фойдаланишнинг аҳамиятига қаратилган “Молекулярно-генетические аспекты прогнозирования гиперпластических процессов матки и молочных

желез в период перименопаузы” услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Самарканд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 29 майдаги 10- сон Илмий кенгаш қарори). Тадқиқот натижаси бачадоннинг гиперпластик жараёнлари ва сут безларининг яхши сифатли дисплазияси бўлган беморларда касалликнинг эрта ташхиси учун GSTP1 (Ile/Val) генида rs1138272 ген ва аллелларнинг тарқалишини таҳлил қилиш уларнинг генетик мойиллигини ўрганиш имконини берган;

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси Самарқанд шаҳар 1-сон, 3-сон туғруқ мажмуаларига ва Урганч шаҳар 2-сон оилавий поликлиниканинг амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техника кенгашининг 2024-йил 13-ноябрдаги 8-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши касалликнинг ривожланиш даражасини ва кечишини ўз вақтида аниқлашга, шунингдек, мумкин бўлган қайталаниш ва ёмон сифатли ўсмаларнинг олдини олишга имкон яратган.

Бачадоннинг гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларни башорат қилиш ва даволаш ҳамда бу патологияни кўкрак касалликлари билан генетик текшириш усулларидан фойдаланган ҳолда, қон зардобида GSTP1 ва ITGB3 генларида ноқулай генотипнинг ташилишини аниқлаш, қўшимча текшириш усулларисиз, моддий харажатларни 15% га камайтиришга имкон берди. Шунингдек, бачадон ва кўкрак безлари касалликлари кузатилган беморнинг эрта ташхислаш ва бачадондан қон кетишларнинг қайталанишини олдини олиш, беморни шифохонада ётиш кунларини қисқаришига, беморлар саломатлиги тикланиши тезлашишига ҳамда бемор шифохонага қайта ётқизилишини камайтириш ва шифохонада қолиш муддатини 6 кундан 3 кунгача қисқаришига олиб келади ва шифохонада қолиш учун тўлов миқдори 750 225 сўм иқтисод қилинди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Матн материалининг ҳажми 188 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Перименопауза давридаги эндо-миотрий ва кўкрак безлари гиперпластик касалликларининг патогенетик жиҳатлари ҳақидаги замонавий ғоялар**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар манбалари мисолида адабиёт маълумотларининг шарҳи, ушбу патология патогенези, диагностикаси, бачадон ва кўкрак безлари гиперпластик жараёнларини ривожланишидаги генетик детерминантларнинг аҳамияти ва гормонал даволашга бағишланган замонавий тушунчалар таҳлили келтирилган. Ушбу патологияга эга бўлган аёлларнинг сони адабиётларни ўрганиш асосида амалга оширилди ва бу муаммонинг ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб этадиган жиҳатлар аниқланди. Боб таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулосалар билан яқунланади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида 2022 йилдан 2024 йилгача Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг Гинекология бўлимида даволанган перименопаузал давридаги 310 нафар аёллар ва улардан 210 нафари эндо- ва/ёки миотрийнинг гиперпластик жараёнлари бўлган беморларнинг клиник ва лаборатория текшируви асосида таҳлил этилган тадқиқот материаллари ва усуллари келтирилган

Текширувдан ўтган аёллар уч гуруҳга бўлинган:

1-асосий гуруҳ: эндо- ва/ёки миотрий гиперплазияси ва яхши сифатли кўкрак безлари касалликлари ташхиси қўйилган 100 нафар перименопауза даврдаги бемор. 2-таққослаш гуруҳи: перименопауза давридаги эндоотрий ва/ёки миотрий гиперплазияси аниқланган ташхиси бўлган ва кўкрак безлари тўлиқ текширувдан ўтказилган, уларда патология аниқланмаган 120 нафар бемор. 3-гуруҳ: гинекологик касалликлари бўлмаган 90 нафар перименопауза ёшдаги аёллар. Беморларнинг ёши 49 ёшдан 52 ёшгача бўлиб, ўртача $49,9 \pm 1,6$ ёшни ташкил қилди.

Беморларни қабул қилиш ва даволаниш вақтида кичик чанок аъзоларининг ультратовуш текшируви ва кўкрак безлари эластографияси, гистероскопия, гистологик текшириш усули ва молекуляр-генетик текшириш усуллари ўтказилди. Молекуляр-генетик усулда GSTP1 генида (Ple/Val) rs1138272 полиморфизмининг аллеллари ва генотиплари, GSTP1

генидаги rs1138272 полиморфизмлари (Ala/Val) ва rs5918 полиморфизмлари ITGB3 генида (T/C) тарқалиш частотасини бачадон гиперпластик жараёнлари бўлган беморларда ва назорат гуруҳи аёлларида ўрганилди. Тадқиқот маълумотлари шахсий компютерида статистик қайта ишланди.


Диссертациянинг «Перименопауза давридаги беморларда бачадон ва сут безларининг гиперпластик жараёнларининг клиник ва морфологик тавсифи» номли учинчи бобда асосий гуруҳдаги 100 нафар, таққосланадиган гуруҳдаги 120 нафар ва назорат гуруҳидаги 90 нафар аёлларнинг клиник ва морфологик текширувлари натижалари келтирилган.

Гуруҳларда беморларнинг клиник ва анамнестик кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Иккала асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларнинг шикоятлари таҳлил қилиниб, клиникага ётқизилганида, кўпчилик текширилган беморлар томонидан –асосий гуруҳдаги 70 (70 ± 4,6%) ва таққослаш гуруҳдаги 78 (65 ± 4,3%) турли интенсивликдаги бачадондан қон кетиш қайд этилган. Касалхонага ётқизилишдан олдин қон кетишининг ўртача давомийлиги асосий гуруҳда – 22,6 ± 3,6 кун, таққослаш гуруҳида 35,1 ± 3,6 кунни ташкил қилган.

Кўкрак безларида ҳайздан олдин ва / ёки вақти-вақти билан пайдо бўладиган оғриқлар, асосан, асосий гуруҳ беморларида қайд этилган - 73 (73 ± 4,4%).

Эндо- ва миометрий ҳолатини баҳолаш учун барча беморлар ультратовуш текширувидан ўтказилди. Қон кетиши билан мурожаат қилган беморларда М-эхо 10 дан 20 мм гача ўзгариб турди, асосий гуруҳда ўртача 13,96 ± 5,6 мм, таққослаш гуруҳида эса - 12,7 ± 4,5 мм.

Гуруҳ бўйича эндометрий патологиясининг ультратовуш белгиларини (1-расм) кўриб чиқишда қуйидагилар аниқланди: эндометрий қалинлиги 10дан 20 мм гача бўлган беморларнинг сони бўйича асосий ва таққослаш гуруҳлар орасида сезиларли фарқлар мавжуд эди - мос равишда, 42 (42,0 ± 4,9%) ва 92 (76,7 ± 3,9%) нафар (p < 0,01).




1- расм.Эндометрий патологиясининг ультратовуш белгилари

Бачадон эндо-миометрий гиперпластик жараёнлари бўлган беморларнинг ҳар учдан бирида таққослаш гуруҳида –39 (32,5 ± 4,3%) ва асосий гуруҳ беморларининг 40(40±4,9%) тасида ультратовуш текширувида

бачадон миомасининг турли хил вариантлари аниқланган. Бачадон миомасининг аниқланган вариантлари FIGO таснифига кўра тақсимланган (2-расм). Гуруҳларда миомалар частотаси сезиларли фарққа эга эмас эди. Фақат миоманинг интрамурал шакли статистик жиҳатдан сезиларли даражада асосий гуруҳда кўп эди, асосий ва таққослаш гуруҳларида, мос равишда, 23 ($23 \pm 4,2\%$) ва 13 ($10,8 \pm 2,8\%$), $p < 0,05$.


Частотасига кўра кўп аниқланган иккинчи патология аденомиоз эди - 26 ($26,0 \pm 4,4\%$) ва 34 ($28,3 \pm 4,1\%$) нафар асосий ва таққослаш гуруҳидаги беморларида. 19 нафар беморда бачадон миомаси ва аденомиознинг комбинацияси мавжуд эди.

Асосий ва таққослаш гуруҳларидаги беморларда аденомиоз даражасини аниқлашда ҳам фарқ бор эди (3-расм). Шундай қилиб, кўкрак безлари яхши сифатли дисплазияси бор бўлган, асосий гуруҳ беморларда аденомиознинг III даражаси сезиларли даражада кўпроқ аниқланган, асосий ва таққослаш гуруҳларида мос равишда – 7 ($7,0 \pm 2,5\%$) ва 1 ($0,8 \pm 0,8\%$), ($p < 0,05$).



2-расм. Миомаси бор беморларнинг FIGO таснифи бўйича тақсимланиши.

Тромбоцитлар агрегацияси клиникага бачадондан аномал қон кетиш шикоятлари билан мурожаат қилган беморларда қўлланилди -70($70 \pm 4,6\%$) нафар бемор асосий гуруҳ ва 78($65 \pm 4,3\%$) нафар таққослаш гуруҳи беморларида. 70 нафар асосий гуруҳ беморларидан 35(35%) тасида ва 78 нафар таққослаш гуруҳи беморларининг 25(20,8%) нафарида бачадондан қон кетиш рецидивлари бор эканлиги аниқланган.




3-расм. Аденомиознинг даражаси

Тромбоцитлар агрегацияси биринчи бор ва рецидивланувчи бачадондан қон кетиши бўлган беморларда кескин фарқ қилди. Бунинг натижаларига қараб, асосий гуруҳ беморларнинг ITGB3 генидаги (Т/С) rs5918 полиморфизмларининг аҳамияти ўрганилди ва гендаги Т\С генотипини ташувчанлик 68 % ҳолатда бачадондан аномал қон кетиш рецидивлари бор аёлларда аниқланди.

Бачадон бўшлиғининг алоҳида қириш билан гистероскопия 220 нафар беморларда ўтказилди.

Биз эндометрий гипертрофияси бўлган барча беморларга қириндиларнинг морфологик текширувини ўтказдик (4-расм). Асосий гуруҳнинг гистологик текширувига кўра, 30(30±4,6%) нафарда эндометрий безли гиперплазияси аниқланди, шуларнинг 8(8±2,7%) нафарда эндометрий безли гиперплазияси субмукоз тугун билан бирга учраган эди, эндометрий полиплари 58(58±4,9%) нафар беморда ва 12(12±3,2%) нафарда аденоматозли эндометрий гиперплазияси аниқланган.



4-расм. Перименопауза даврида гиперпластик жараёнлари бўлган аёлларда эндометрийнинг гистологик тузилиши


Таққослаш гуруҳнинг гистологик текширувига кўра, 89(74,2±4%) нафарда эндометрий безли гиперплазияси аниқланди, шуларнинг 4(3,3±1,6%) нафарда эндометрий безли гиперплазияси субмукоз тугун билан бирга учраган эди, эндометрий полиплари 28(23,3±3,9%) нафар беморда ва 3(2,5±1,4%) нафарда аденоматозли эндометрий гиперплазияси аниқланган.

Шундай қилиб, эндометрий қириндиларини гистологик текширишда асосий ва таққослаш гуруҳ беморлари орасида қуйидаги статистик тафовут аниқланди; асосий гуруҳ ва таққослаш гуруҳларида АЭГ сининг учрашида иккала гуруҳда мос равишда 12(12±3,2%) ва 3(2,5±1,4%) ($p<0,05$), эндометрий полиплари асосий ва таққослаш гуруҳларида мос равишда 58(58±4,9%) ва 28(23,3±3,9%) статистик тафовут борлиги аниқланди ($p<0,001$).

Тадқиқотнинг **“Перименопауза давридаги эндо-ва\ёки миометрий гиперпластик жараёнлари бўлган беморларни кўкрак безларини текшириш натижалари”** номли тўртинчи бобда бачадонида гиперпластик жараён бўлган 100 нафар аёлнинг кўкрак безлари кўрик натижалари тақдим этилган. Сўровномада бирорта аёл кўкрак безини ўзи текширтиргани ёки кўкрак безларини ўзи текширишни билишини кўрсатмаган. Кўрик кўкрак безларини мануал текшируви, рентгенмаммография ва комплекс УЗИ текширувини ўз ичига олади. Ультратовушли баҳолаш Aplio 500 ультратовуш аппарати ёрдамида 7,5 МГц частотали чизикли сенсор ёрдамида амалга оширилди. Кўкрак безлари тўқималарининг тузилиши сонографик жиҳатдан баҳоланди - ёғли, безли ва толали компонентларнинг нисбати баҳоланди. Текширув қўлтиқ ости, ўмров ости ва парастернал соҳаларда лимфа дренажининг минтақавий зоналарини ўрганиш билан яқунланди, лимфа тугунларининг ҳажми, тузилиши ва локализацияси баҳоланди. Маммография натижалари BI-RADS тоифасига кўра баҳоланди.

Маммологик патологиянинг корреляция боғлиқлиги эндо- ва\ёки миометрийнинг гиперпластик жараёнларининг турларига қараб ўрганилди. Маълум бўлишича, бачадон миомаси мастопатиянинг диффуз шакллари ($r=0,6$), аденомиоз сут безлари кисталари билан бевосита корреляцион тўғри боғлиқлик борлиги аниқланди ($r=0,51$) (5-расм).

Ушбу усулдан фойдаланиб аниқланган ўзгаришларнинг табиатини ишончли тарзда ҳукм қилиш, васкуляризацияни аниқлаш ва қон оқимини баҳолаш мумкин. Биз асосий гуруҳдаги барча беморларда кўкрак безлари ультратовуш эластографиясини ўтказдик. Биринчи тип – 18(18,0%) нафар беморда, иккинчи тип – 46(46,0%) нафар, учинчи тип - 32(32%) олтинчи тип – 4(4,0%) нафар беморда аниқланган. Бу типлар яхши сифатли типлардир. 4- ва 5-хавфли типлар тадқиқотимиздаги беморларда аниқланмади.




5-расм. Аниқланган маммологик патологияга мувофиқ эндо ва / ёки миометрийнинг гиперпластик жараёнлари бўлган беморларнинг тақсимланиши

Диссертациянинг «Перименопауза даврида бачадон ва сут безларининг гиперпластик жараёнлари бўлган беморларнинг молекуляр- генетик хусусиятлари» номли бешинчи боби перименопауза давридаги аёлларда бачадон ва сут безларининг гиперпластик жараёнлари шаклланишида GSTP1 генидаги (Ile/Val) rs1138272 полиморфизмлари, GSTP1 генидаги rs1138272 полиморфизмлари (Ala/Val) ва ITGB3 генидаги (T/C) rs5918 полиморфизмларининг аҳамиятини ўрганишга бағишланган.

ITGB3 (T/C) генидаги rs 5918 полиморфизмларини ўрганиш орқали олинган натижалар T ва C аллелларини ташиш, шунингдек, T\T, T\C генотиплари БГПЖ ва КБЯСД ривожланиши билан ITGB3 (T/C) генида rs 5918 полиморфизми ўртасида сезиларли даражада боғлиқлик йўқлиги тасдиқланди. Бундан ташқари, ушбу ракурста ўрганилган асосий гуруҳдаги беморларда полиформизм ва ушбу патологиянинг сут безлари касалликлари билан боғлиқлиги аниқланмади.

ITGB3 гени тромбоцитлар фибриноген рецепторлари оксил молекуласининг аминокислоталар кетма-кетлигини кодлашини ҳисобга олиб, биз қон кетиш шикоятлари билан текширувга ётқизилган беморларда аллеллар ва генотипларнинг тарқалишини аниқлаш учун тадқиқот ўтказдик (6-расм). Тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, ITGB3 (T/C) генида T\C генотипини ташувчанлик бачадонда гиперпластик касалликлари бор беморларда аномал қон кетиш ёки бачадондан аномал қон кетишлар рецидивлари ҳақида башорат қилиш мумкин.




6-расм. Қон кетиш шикоятлари билан текширувга ётқизилган беморларда аллеллар ва rs 5918 полиморфизмининг ITGB3 (T/C) генида тақсимланиши

GSTP1 (Ala/Val) генидаги rs1138272 полиморфизмининг олинган натижалари Ala ва Val аллеллари, шунингдек, rs1138272 полиморфизмининг Ala/Ala, ўртасида Ala\Val генотиплари GSTP1 (Ala/Val) генида бачадоннинг гиперпластик жараёнлари ва кўкрак безлари касалликлари ривожланиши билан сезиларли даражада боғлиқлик йўқлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, БГПЖ билан хасталанган беморларнинг асосий гуруҳини худди шундай нуқтаи назардан ўрганаётганда, биз ушбу полиморфизм бачадон ва сут безидаги гиперпластик жараёнларнинг ривожланиши билан ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини аниқладик.

GSTP1 (Ile/Val) генидаги rs1138272 полиморфизмининг аллел частоталари ва генотиплари тақсимолига нисбатан биров бошқача тасвир кузатилди. Улар БГПЖ билан хасталанган беморларнинг қўшма гуруҳида Ile ва Val аллелларининг улушида шартли соғлом донорлар гуруҳидаги кўрсаткичлардан сезиларли фарқ (назорат) борлигини кўрсатади ($\chi^2=11,3$; $p=0,01$; $RR=0,8$; $95\%CI: 0,68-2,32$ $OR=2,4$; $95\%CI: 1,43-3,92$) (7-расм). Генотипларнинг тарқалишига келсак, шунга ўхшаш тасвир ҳам кузатилди, яъни Ile/Ile генотибида сезиларли фарқ кузатилди ($\chi^2=7,3$; $p=0,01$; $RR=0,7$; $95\%CI:0,37-1,24$ $OR=0,4$; $95\%CI:0,22-0,79$) ва Ile/Val генотибида назорат гуруҳига ўхшаш тасвирга эга эди ($\chi^2 = 1,5$; $p = 0,3$; $RR=1,3$; $95\%CI:0,72-2,36$ $OR = 1,5$; $95\% CI: 0,78-2,86$). Val / Val мутант генотипининг пайдо бўлишини баҳолаш натижасида асосий гуруҳлар ва назорат гуруҳи ўртасида қиёсий фарқ бор эди ($\chi^2 = 6,7$; $p = 0,01$; $RR=4,2$; $95\%CI:2,39-7,48$ $OR = 4,8$; $95\% CI:1,46-16$). Ушбу маълумотлар GSTP1 (Ile/Val) генида rs1138272 полиморфизмининг аллел частоталари ва генотипларини тақсимлашда сезиларли фарқ борлигини кўрсатади(1-жадвал).

GSTP1 генида (Ile/Val) rs1138272 полиморфизми учун AUC ни аниқлаш AUC аллелининг асосий гуруҳидаги переменопаузадаги аёлларда БГПЖ

ривожланиш хавфи Val AUC = 0,58, I гуруҳда AUC = 0,5 ва II гуруҳда AUC = 0,64 ни ташкил қилди. Ile/Ile гомозигота генотипининг AUC кўрсаткичи асосий гуруҳда 0,4 ни, бачадоннинг фақат гиперпластик жараёнлари бўлган гуруҳда 0,52 ни, сут безлари патологияси билан қўшилган бачадон патологияси бўлган беморлар гуруҳида 0,32 ни ташкил этди ҳамда асосий ва таққослаш гуруҳларни солиштирганда, AUC =0,7 га тенг эди.



7-расм. БГПЖ бўлган беморлар ва назорат гуруҳи орасида rs1138272 GSTP1 (Ile/Val) генидаги аллеллар ва генотиплар тарқалиш частотаси

Гетерозиготли Ile/Val генотипидаги перименопаузадаги аёлларда БГПЖ ва КБЯСД ривожланиш хавфида GSTP1 генида (Ile/Val) rs1138272 полиморфизми учун AUC ни аниқлаш шуни кўрсатдики, қўшма гуруҳда у – 0,55, асосий гуруҳда – 0,6, таққослаш гуруҳида 0,48 ни ташкил қилди.

1-жадвал

БГПЖ ва КБЯСД билан хасталанган гуруҳ беморларида GSTP1 (Ile/Val) генидаги rs1138272 полиморфизминингдиагностик ва прогностик Ile/Val генотипи бўйича самарадорлиги кўрсаткичлари

Ўрганилган гуруҳлар	генотип	Прогностик кўрсаткичлар					
